



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

24 октябрь куни Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Нарзулло Обломуродов, Халқ демократик партиясидан номзод Мақсуда Ворисова, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан номзод Алишер Қодиров, “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Баҳром Абдуҳалимов Президент сайловида овоз берди



Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нарзулло Обломуродов Тошкент шаҳридаги 579-сайлов участкасида овоз берди.



Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисова пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 206-сайлов участкасида овоз берди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан бирга Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 59-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз бериш жараёнида иштирок этди.



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Алишер Қодиров Тошкент шаҳридаги 116-сайлов участкасида овоз берди.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Баҳром Абдуҳалимов Тошкент шаҳридаги 405-сайлов участкасида овоз берди.

Мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва миллий анъаналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижасида миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлайдиган жиҳатлар ўз ифодасини топаётир.

Президентлик сайлови илк марта сайловлар давомида тўпланган миллий тажриба, илғор хорижий сайлов амалиёти, шунингдек, халқаро стандартлар асосида шакллантирилган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтмоқда. Мазкур сайлов кодексида Президентлик сайловининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари томонидан олиб борилаётган ташвиқот турлари, шакллари ҳамда усуллари аниқ белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз тарихида илк бор янги сиёсий партия сифатида Ўзбекистон Экологик партиясининг сиёсий ҳуқуқидан фойдаланиш ва иштирок этиш истагини билдирди. Сайловга тайёргарлик асосида Экопартия платформаси қўриб чиқилди.

“Биз келажақ учун жавобгармиз” шiori остидаги сайловолди дастурининг бош мақсади — мамлакатда экологик барқарорлиқни таъминлаш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, яшил тараққиёт тамойилларини иқтисодиётнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш орқали халқимиз ва келажақ авлод учун муносиб турмуш шароитлари яратиш ҳамда фаровон жамият барпо этишдан иборат.

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган айна сайловга ҳар қачонгидан ҳам жиддий ҳозирлик қўрилгани, шу кунларда бутун юртимиз сайлов руҳи билан яшаётгани ҳар қадамда яқол сезилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, миллий сайлов қонунчилиги ҳақон андозаларига ҳамоҳанглигини таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, миллий сайлов тизими мутасил такомиллашиб бормоқда. Ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва миллий анъаналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижасида миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлайдиган жиҳатлар ўз ифодасини топаётир. Бу йилги сайловлар очиклик, шаффофлик, ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилди. Бунда 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партиясининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, эҳтиёжманд қатламларга эътиборни қучайтириш, ижтимоий-маърифий йўналишдаги масалаларга эътибор қаратиб келмоқда.

Ҳамюртларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашди. Бу эса уларнинг Ватан тақдири, юрт келажаги, фарзандларимизнинг эртанги кунига масъулиятни астойдил ҳис этаётганидан дарак беради.

Сайлаш ва сайланиш фуқароларнинг энг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу борадаги тенглик ва эркинлик кафолатланган.

Охириги беш йилда миллий сайлов қонунчилигимиз такомиллаштирилди ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу йилги Президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи ва 10 минг 761 та сайлов участкаси тuzилди.

Сайловда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бешта сиёсий партия иштирок этди. Бунинг учун уларга тенг ва эркин шароит яратилди.

Бу йилги жараёнлар мамлакатимизда демократия ривожланган, аҳолининг сиёсий фаоллиги янада ошган муҳитда ўтди. Партиялар ўртасида ҳам, сайловчилар ўртасида ҳам қизгин баҳс, муҳокама бўлди. Номзодлар бир-бирининг сайловолди дастурига танқидий муносабат билдирди. Уларнинг вакиллари ўртасида теледебатлар бўлиб ўтди.

Сайловни қарийб элликта давлат ва йигирмага яқин нуфузли халқаро ташкилотдан жами 971 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Сайлов жараёнларида ошкораликни таъминлаш ва хабардорлиқни ошириш мақсадида 1 минг 700 нафарга яқин маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Президент сайлови мамлакат келажаги учун муҳим сиёсий воқеадир. Фуқаролар буни чуқур ҳис этиб, сайловда фаол иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, эртанги кунимиз равнақида Президент сайлови ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис ҳам юртимизда ушбу сиёсий жараёнга пухта ва қизгин ҳозирлик қўрилди. Сайлов янги Сайлов кодекси асосида ташкил этилди.

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодасидир. Мамлакатимизда яратилган сайлов тизими фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга ошишига хизмат қилаётир.

Сайлов жараёни халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошкоралик, кўп партиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди. Бунда сайлов тизимига оид қонунчиликда фуқароларнинг сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашиши, овоз бериш яширинлиги, буни ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита амалга ошириши белгилаб қўйилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Юртимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш орқали соҳага инновацияларни жорий қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани акс этган. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодаланиши, жамият ва давлатни бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловларнинг энг юксак демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос. Бош қомусимизда мустаҳкамланган қоидалар асосида ўтишига, сайловчиларнинг фаоллиги ва улар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 405-сайлов участкасида овоз бериш жараёни уюшқоқлик билан ўтказилди. Ушбу сайлов участкасида 2 минг 666 нафар сайловчи рўйхатга олинган. Улар орасида илк бор овоз беришга қатнашаётган сайловчилар 18 нафарни ташкил этди.

ЎЗА

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурматли ички ишлар тизими ходимлари!

Қадрили офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни бугунги касб байрамингиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда ўз ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва осийишталлигини асрашдек эзгу ва олижаноб ишга бағишлаган сизлар каби мард ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар шаънига самимий тилакларимизни билдираимиз.

Айни пайтда, ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган фидойи ходимларнинг хотирасини чексиз эҳтиром билан ёд этаимиз.

Истиқлолимизнинг илк даврида ташкил топган ички ишлар органлари ўтган синобли йиллар давомида машаққатли

ва шарафли йўлни босиб ўтиб, халқимизнинг чинакам таянчи ва ҳимоячиси сифатида шаклланди, десак, айна ҳақиқат бўлади.

Сизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги мардона хизматларининг бутун элимиз яқини билади ва юксак қадрлайди.

Азиз дўстлар!

Биз ўз фаолиятимизни бошлаган дастлабки кунлардан иккита энг устувор масалага — жамиятимизда тинчлик ва осийишталлиқни сақлаш ҳамда аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келаётганимиз, албатта, бежиз эмас. Чунки тинчлик ва соғлиқ — бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарсаси билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо неъматдир.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осийишталлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўттиз йиллиги муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

▶ Давоми 2-бетда

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЖОРИЙ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида овоз беришнинг жорий яқунларини эълон қилди.

▶ Давоми 2-бетда

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, сўнгги беш йилда ички ишлар тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, қўйи бўгин бўлинмалари натижадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жинойятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида “**Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар**” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда.

Айни пайтда, Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати янада оптималлаштирилиб, унинг тузилмалари негизда Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм объекларида хавфсизлиқни таъминлаш, Жазони ижро этиш, шунингдек, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари ташкил этилгани тизимнинг энг қўйи бўгинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Ҳусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

Бугунги кунда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га қиритилган фуқароларимиз билан манзилли ишлашни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ички ишлар тизими ходимлари ҳам муҳим ҳисса қўшмоқда.

“Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга.

Худудлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва “илмий диагноз” қўйиш орқали жиноятчиликни прогноزلash ва унинг

олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биз янги тарихимизда илк бор ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини илмий асосда мактаб остонасидан, болаларнинг ҳуқуқий-психологик тарбиясидан бошладик. Шу мақсадда жорий йилда тизимга 1 минг 100 нафар инспектор-психологлар ажратилди. Келгуси йилда бу кўрсаткични 2 минг нафарга етказамиз. Бундан қўзланган мақсадимиз — фарзандларимизни мактаб ёшидан бошлаб қонунга ҳурмат руҳида камол топтиришдан иборат. Ишонаманки, бу вазифани аъло даражада бажарамиз.

Худудий бўлинмаларнинг тезкорлигини ошириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун соҳага 2016-2021 йилларда қўшимча 3,5 мингга яқин янги транспорт, 16 мингдан ортиқ махсус ва техник воситалар ажратилди.

Мутахассислар тайёрлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилиб, ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, шунингдек, раҳбарларнинг профессионал салоҳиятини ошириш борасида тизимли чоралар қўрилмоқда. Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалаврият ва магистратуранинг ўз ичига оладиган икки босқичли замонавий олий таълим тизими, ўқув жараёнига назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш учун янги таълим механизмлари жорий қилинди.

Янги ташкил этилган Жамоат хавфсизлиги университетиде ички ишлар соҳаси учун ҳам етук кадрларни тайёрлаш жараёни бошланди. Ходимларни хизмат даврида узлуксиз ўқитиш учун илк бор Малака ошириш институтини очилиб, замонавий ёндашувлар асосида масофавий ва мобил сайёр курсларини ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Тажриба алмашиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ходимларни ўқитиш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида жажоннинг 29 та давлати ҳуқуқ-тартибот идоралари билан эришилган икки томонлама халқаро келишувларга мувофиқ амалий ишлар олиб борилмоқда.

Фидойи ходимларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ўтган беш йил мобайнида 500 дан ортиқ ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Хизмат хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида шароитларда ўз вазифаларини бажарувчи 25 мингдан ортиқ ходимларнинг ойлик маошларига устама ҳақлар белгиланди. 7 246 нафар ходимлар хизмат уйлари билан таъминланди, шунингдек, имтиёзли ипотека кредити асосида қурилган кўп қаватли уйлардан 2 минг 300 га яқин хонадонлар ажратилди.

Ҳурматли соҳа вакиллари!

Айни пайтда, глобал дунёдаги шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазият соҳа фаолиятини замон талабларига мос равишда мутлақо янгича усулларда ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини кучайтириш, суриштирув ва тергов фаолиятини адолатли, ҳолис ва ҳаққоний олиб бориш бўйича самарали механизмларни жорий этиш, киберхавфсизлиқни таъминлаш ва кибержинойятчиликка қарши курашиш бўйича изчил иш олиб боришимиз лозим.

Соҳага илғор тажрибалар ва иш усуллари, инновацион-рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ходимларнинг интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-маърифий савияси, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш, уларнинг машаққатли ва фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш талаб этилади.

Мухтасар айтганда, ички ишлар органларини аҳолига ва ҳар бир оилга янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасидаги ислохотларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Мен Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари — Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари эканингизга қатъий ишонаман.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриқлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга файзу барака, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЖОРИЙ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



Бошланиши 1-бетда

24 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 20:00 да Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида овоз бериш якунланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда қарийб 16 миллион 37 минг сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 80,8 фоизини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низомхўжаев халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 96-моддасига мувофиқ, сайловда сайловчиларнинг камда 33 фоизи иштирок этган бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланиши белгиланган. Демак, Сайлов кодексига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтган ва ҳақиқий деб ҳисобланиши таъкидланди.

Бу — тараққиётнинг янги, демократик босқичига қадам қўйган Ўзбекистон халқининг сиёсий-ҳуқуқий онги, маданияти ва сиёсий

фаоллиги тобора юксалиб бораётганининг тасдиғи, халқимизга хос аҳиллик ва ҳамжиҳатликнинг яна бир ифодасидир.



Шунингдек, кўп миллатли Ўзбекистон халқи давлатимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни, амалга оширилаётган туб демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаётганининг амалдаги ёрқин намоишидир.

Овозларни санаб чиқишда сайлов участкаларида сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сайлов давомида жойлардан сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида хабар келиб тушмади.

25 октябрь куни бўлиб ўтадиган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинади. Шу куни халқаро кузатувчилар миссиялари ҳам матбуот анжуманлари ўтказилади.

Нурулло НАСРИЕВ,
Ўза мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Джураев Шодибек Валиевич — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командир

Исламходжаев Хондамир Азатович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи

Собиров Шухратжон Уринбаевич — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

“Мардлик” ордени билан

Казбеков Салават Алибекович — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Матанов Шавкатбой Насирдинович — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 1-ички ишлар бўлими бошлиғи

Раҳимбердиев Косимжон Каримбердиевич — Фарғона вилояти Сўх тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Эргашев Кахрамон Зокиржонович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи

Жўраев Муҳиддин Уткурович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

“Дўстлик” ордени билан

Джавакова Каринэ Владимировна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси бошлиғи

Наджимов Тохритдин Зухридинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Жар” спорт-соғломлаштириш комплекси бошлиғи

Узакбаев Баҳадир Жоллибаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси

“Жасорат” медали билан

Исмаилов Учқун Ахмедович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги катта тезкор вакили

Латипов Диёр Пардабоевич — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи

Тиллаҳужаев Маъруф Турсунович — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта тезкор вакили

Тўхлиев Шерали Нафасович — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика инспектори

Умаров Зокир Шухратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Метрополитенда хавфсизлиқни таъминлаш бошқармаси сафдор ходими

Урмонов Дилмурот Бутабоевич (мархум) — Тошкент вилояти Пискент тумани ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинимаси инспектори

Қодиров Аҳмад Жуманович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони отряд командир

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Абдураимов Акмал Қўқоревич — Навоий вилояти Қизилтепа тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Акабоев Ёқубжон Неъматович — Жиззах вилояти Зарбдор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Акрамов Камолитдин Нуриддинович — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Алқаров Элдор Махмудович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 22 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Алпаяров Хасан Балтаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси конвой гуруҳи ходими

Атабаев Келдибек Аманбаевич — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар ички ишлар бўлими йўл-патруль хизмати инспектори

Бариев Замир Серверович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси кинология хизмати кичик инспектор-кинологи

Ибрагимов Зафар Ҳакимбаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғининг ўринбосари

Исабоев Охунжон Тошпўлатович — Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори

Исмаилов Исомиддин Бахридинович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий бошқарма бошлиғи

Исмоилов Ибрагим Усмонович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг маслаҳатчиси

Муаззамов Музафар Эргашевич — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлима командир

Муродов Дилмурод Аслонович — Бухоро вилояти Шофиркон тумани ички ишлар бўлими 2-ички ишлар бўлинимаси бошлиғи

Нуриддинов Гайратжон Гуламович — Наманган шаҳар Давлатобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Нуриддинов Саидилло Саидкамол ўғли — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиғи

Тулаганов Мирзохид Мирғиясиддинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Туракулов Акмал Мусурмонович — Қашқадарё вилояти Китоб тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Хозғалиев Зуфар Эркинбаевич — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи **Шарипов Ғулом Машарифович** — Хоразм вилояти Урганч тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Эшматов Илёсбек Турғунбаевич — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлима командир

“Шухрат” медали билан

Азимов Олим Қахрамонович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Ганиев Шерзод Алишерович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти бошлиғининг ўринбосари

Жуманов Ахроржон Иномович — Фарғона вилояти Бешариқ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Ковальчук Арсений Олегович — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси отряд инспектори

Мадалиев Фахриддин Абдувалиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Норметов Отабек Улугбекович — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси биринчи минтақавий ҳудуд бўйича патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

Нурматов Зоиржон Пошилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Андижон академик лицейи директори

Турахонов Давронбек Абдирасилович — Сурхондарё вилояти Денов тумани ички ишлар бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Фатуллоева Насиба Асроровна — Бухоро вилояти Ромитан тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори

Хасанов Алишер Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Хусанов Муҳаммад Раҳмонович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси кинология хизмати инструктор-кинологи

Шомуротов Нурбек Севдиёрович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони гуруҳ командир

Эшонов Хошим Нортониевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

Халқаро кузатувчилар:

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ, ОЧИҚ ВА ШАФФОФ ЎТКАЗИЛДИ

сайловчилар Covid-19га қарши чора-тадбирларга қатъий риоя қилди

Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан 971 нафар халқаро кузатувчи иштирок этди. ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, МДҲ Парламентлараро ассамблеяси,

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Туркий Кенгаш Парламент ассамблеяси, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлардан 631 нафар, шунингдек, қарийб 50 та мамлакатдан 340 нафар кузатувчи шулар жумласидан. “Дунё” ахборот агентлиги мухбирлари уларнинг баъзилари билан суҳбатлашди.

Кэролин ЛЭММ, АҚШ — Ўзбекистон Савдо палатаси раиси, халқаро кузатувчи:



— Президент сайлови жуда юқори даражада уюштирилганидан катта таассурот олдик. Бу эътирофга лойиқ. Мен бир неча сайлов участкасига ташриф буюришга муваффақ бўлдим.

Сайлов якшанба кuni, аҳолининг бўш вақтига қараб белгиланган. Бу фуқароларнинг овоз бериши учун жуда ҳам қулай. Сайлов участкаларидан бирида сайловчиларнинг 45 фоизга яқини тушлик пайтигача ўз танловини амалга ошириб бўлганидан хабардор бўлдим. Бу, албатта, жуда катта натижа.


Сўнгги беш йилда Ўзбекистон ҳаёти буткул ўзгарди, қонунчилик, иқтисодий соҳалар, умуман, аҳоли ҳаёти тубдан яшилди. Албатта, хорижий бизнес учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳам мамнуният билан таъкидлаб ўтаман.

Жонон ШЕРАЛИ, ШҲТ Бош котибининг ўринбосари, миссия аъзоси:

— ШҲТ кузатувчилар миссияси Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонаси ҳузурида тузилган сайлов участкасида овоз бериш жараёнини диққат билан ўрганди.

Кузатув давомида мазкур сайлов участкасида сайловчилар учун барча зарур шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Сайлов давомида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари ва халқаро нормаларга тўлиқ риоя қилинди. Овоз бериш жараёнида фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг фаоллиги эътиборимизни тортди. Сиёсий тадбир тинч ва оқойишта ўтди.

Сайлов Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги байрам қилинаётган йилда ўтказилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу бутун Ўзбекистон халқи учун муҳим сиёсий жараёндир. Жорий сайлов замонавий Ўзбекистоннинг янги ривожланиш тарихи ва равнақини белгилаб беради.



Исо Гил ФУЭНСАНТА, Мадрид автоном университетининг Осиё тадқиқотлари маркази профессори, Испания шарқшунослар уюшмаси бош котиби:

— Ўзбекистонда сайловларни кузатиш бўйича 7 йиллик тажрибага эгаман. Ўтган йиллар давомида миллий сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш, халқаро мезонларга мослаштириш бўйича қилинган ишларни кузатиш имкониятига эга бўлдим. Мен номзодларнинг интилиши, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Барча сиёсий партиялар сайловга муносиб тайёргарлик кўрди. Бу фикрларим Экологик партия, Халқ демократик партияси, Либерал-демократик партия, “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партиясининг барчасига тааллуқли. Сўнгги сайловдан кейин ўтган вақт мобайнида уларнинг позициялари сезиларли даражада мустаҳкамланди. Эътиборлиси, халқнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилувчи партиялар сони кўпайди. Халқаро Медиа холлда сиёсий партиялар вакиллари иштирокида ўтказилган брифингларда қатнашиш ва уларни тинглаш мен учун жуда қизиқarli бўлди.

Ўзбекистонда қисқа даврда амалга оширилган ислохотлар жараёнида ижобий тадрийжий ўзгаришлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз.



Виктор МАРТИНОВ, Губкин номидаги нефть ва газ университети ректори (Россия):



Мен бирон-бир қоидабузарлик ҳолатини кўрмадим. Сайлов участкаларида сиёсий партиялардан кузатувчилар қатнашди. Санитария-эпидемиология хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Сайлов кuni ўндан ортиқ сайлов участкасида бўлдим. Жараён аниқ ва юқори даражада ташкил этилди. Одамларнинг овоз беришга ошиқиши, фаоллиги мени ҳайрон қолдирди. Ёши катталар кичик ёшдаги фарзандлари билан овоз беришга келгани фуқароларнинг давлат ишларида ва мамлакат ҳаётида иштирок этишининг муҳим элементи.

Умумий муҳит ҳамма жойда кўнгилдагидек, кўтаринки руҳда бўлди. Барча сайловчилар овоз беришга хурсандчилик билан келганини кузатиш менга мамнунилик бахшида қилди.

Холид НАДЕЕМ, халқаро кузатувчи (Покистон):

— Ўзбекистон Президенти сайловида илк бор халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Биз Президент сайловига тайёргарлик ишлари ва овоз бериш жараёни билан бир неча сайлов участкасида танишдик. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, сайлов жараёни халқаро кузатувчилар иштирокида шаффофлик билан ўтди. Ҳеч қандай қонунбузарликка дуч келмадик.

Президент сайлови юқори даражада ташкил этилди, очик ва шаффоф ўтказилди, сайловчилар Covid-19га қарши чора-тадбирларга қатъий риоя қилди.

Кўрганларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, Ўзбекистонда Президент сайлови халқаро стандартларга мос равишда ўтди.



“Дунё” АА

ЁШИМ ЕТМИШНИ ҚОРАЛАГАНДА ИЛК БОР ОВОЗ БЕРДИМ

Марҳамат АБДУРАҲМОНОВА, Тошкент вилояти Бўка тумани “Кўкорол” маҳалласи, пенсионер:

— Маҳалламизда жойлашган 196-сайлов участкасига йўл оларканман, илк бор сайловда иштирок этаётганимдан хурсанд эдим.

Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳридан кўчиб келганимизга ҳам салкам 30 йил бўлди. Гарчи фуқаролигимиз бўлмаса-да, шу заминда яшадик, фарзандларим униб ўсди.

Аммо сиёсий жараёнларда иштирок этолмаслигимиздан ўқинардик. Ҳатто кўшиларимиз фуқаролик паспортлари билан сайловга отланганларини кўрганимда ҳавас билан қарардим. Насиба экан, шу йил Ўзбекистон фуқароси бўлдим.

Ёшим етмишни қоралаганда сайлов деб аталмиш муҳим жараённинг бевосита гувоҳи бўлдим ва ўзим ҳам



илк бор танлаган номзодим учун овоз бердим. Шу кунларга етказган Яратганга минг шукр!

“КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРДИК!” дейишмоқда ёш келин-куёвлар

— Янги тарихимизга ёзилажак бу кун — Президент сайлови хотирамизда бир умр муҳрланиб қолади. — дейишди қувонч билан 24 октябрь кuni оила қурган Достонбек Раҳимбоев ва Зебохон Аҳмедова. — Тўйимиз бошланишидан олдин куёвнавкарлар ва дугоналар билан тўғри сайлов участкасига келиб, ўзимиз танлаган номзодга овоз бердик.

Хоразм вилояти Янгибозор туманининг “Паҳлавон Маҳмуд” маҳалласида истикомат қилувчи бу икки ёшнинг ҳаётидаги унутилмас кун муҳим сиёсий жараён билан уйғунлашиб кетди. Тўй шодлигига шодлик қўшилди.

Тўйга тақдир қилинган меҳмонлар ҳам аввал йўлни сайлов участкаси томон буриб, ўзи муносиб билган номзодга овоз берган, тўй даврасига йўл олди.

Сайловда иштирок этиш учун келганлар сайлов участкасида ёш келин-куёвларнинг ўз келажаги учун овоз берганини қутлади, икки ёш бахтига кўз тегмасин, деб дуолар қилди.

Рўзимбой ҲАСАН, “Янги Ўзбекистон” мухбири

САЙЛОВГА ОЛИБ БОРМАСАНГ, ПИЁДА КЕТАМАН, ДЕБ ҲАЗИЛЛАШДИМ

Соҳибжамол ЧОРИЕВА, Сурхондарё вилояти Шеробод тумани “Тароқли” маҳалласида яшовчи 107 ёшли онахон:

— Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, ҳали бардам, тетикман. Тонг саҳардан ўғлим Жўрани уйғотиб, мени сайловга олиб боришини сўрадим. “Сайлов қутисини уйга олиб келади, бориб овора бўласизми”, дейди. “Ўзим бораман, олиб бормасанг, пиёда кетаман”, дея ҳазиллашдим.

Тўрт ўғил, бир қизим бор. Бугун улар неварачеварларим билан 40 нафар бўлди. Ҳаммаси тўқ, фаровон яшапти. Раҳматли бобонгиз билан жуда оғир кунларни бошдан кечирдик, кўп қийинчиликларни енгиб ўтдик. Бугун тинч-осойишта, баракали заминда яшаямиз. Фарзандлар, неварачеварлар бахтини кўриб юрибман.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамида “Шуҳрат” медали беришди. Юртимиз кун сайин обод бўлиб борапти. Маҳалламиздаги ўзгаришларни қаранг. Ҳаммаёқ саришта, одамлар аҳил, ҳар кун тўй, хурсандчилик. Шундан ортиқ бахт борми, болам?! Илоҳим, шу кунларга кўз тегмасин, ҳаммамиз омон бўлайлик.

САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ШЕЪР ЎҚИБ БЕРДИМ

Искандар РАҲМОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Юртимизда байрам шукхи кезмоқда. Яқинда “Кексалар ҳафталиги” тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар давомида биз — нурунийларга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатилди. Кунини кеча муҳим сиёсий ҳодиса — Президент сайлови бўлиб ўтди.

Неварам билан бирга Чилонзор туманидаги Тошкент педагогика коллежида ташкил этилган 281-сайлов участкасига бориб, мамлакатимиз келажаги учун ўзим танлаган муносиб номзодга овоз бердим.

84 ёшдаман. Узоқ йиллар ҳарбий шифокор бўлиб хизмат қилдим. Бир қанча сайловларни кўрдим. Мамлакатимизда оламшумул янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Сайлов жараёнини ташкил этишда ҳам мана шу ўзгаришлар кўзга ташланди.

Сайловлар вақти декабрдан октябрь ойига ўтказил-



гани яхши бўлди. Чунки кишқировли кунларда, айниқса, кексалар ўзини асрайди. Шу боис, сайловга биров чиқарди, биров йўқ. Кечаги ҳавони қаранг, танзимиз яйради.

Шулардан, қолаверса, сайлов участкасида нурунийларга кўрсатилган эҳтиромдан қувониб, шеър ўқиб бердим.

Маҳалладошлар “Сайлов участкасида ҳали бунақа шеър ўқилмаган”, деб кўнглимни кўтарди. Мен ҳам “Чунки илгари бунақа сайлов ўтказилмаганди”, дея жавоб бердим. Кунни мана шунақа юқори кайфиятда ўтказдик.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОСИЗЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛИДА

ИНСОН ШАЪНИ ШАРАФЛАНМОҚДА



Бобур МИРУСМОНОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш бош
бошқармасининг муҳим
топшириқлар бўйича
инспектори, майор

БМТнинг фуқаросизлиқни қисқартириш юзасидан чақиригига жавобан Ўзбекистонда катта ўзгаришларга асос солинди. Аввало, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериш масаласига оид қонунчилик такомиллаштирилди. Фуқароликни тўғридан-тўғри қонун асосида бериш амалиёти жорий этилди.

Очиқ айтиш керак, Ўзбекистонда узок йиллар фуқаросизлик муаммоси кўплаб юртдошларимиз учун ниҳоятда оғриқли масала бўлиб келди. Ҳатто Ўзбекистон фуқаролари ҳам пойтахтга ёки ўз яшаш жойидан бошқа ҳудудга яшаш, ишлаш учун борганида паспорт тизими билан боғлиқ муаммолар гирдобига қолар эди. Бу манзара фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Бу борада **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича** Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифалар асосида мамлакатда туз ислохотлар амалга оширилди.

Биринчидан, фуқароларимиздан хорижга чиқиши учун 2 йил муддатга бериладиган “Чет элга чиқиш рухсат ёзуви — виза стикери”ни расмийлаштириш тартиби 2019 йил 1 январдан бекор қилиниб, унинг ўрнига халқаро стандартларга мос, қатор афзалликларга эга, **амал қилиш муддати 10 йил бўлган хорижга чиқиш биометрик паспорти** жорий этилди. Эндиликда юртдошларимиз чет давлатга чиқиш учун ҳар 2 йилда виза стикери олишни керак, деб идорама-идора сарсон бўлмайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон фуқаролари учун пойтахтимиз Тошкентда доимий рўйхатдан ўтиш тартиби соддалаштирилди. Яқин йилларгача вилоятда туғилиб, пойтахтда ишлайман, деган кадрларга бу йўл мутлақо ёпиқ эди.

Эндиликда Ўзбекистон фуқароларининг Конституциявий ҳуқуқлари тикланди.

Учинчидан, Ўзбекистон фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича рўй-

Инсон эрки, шаъни ва кадр-қиммати улуг қадрият саналади. Шу боис, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси давлат ҳимоясида, доимий эътиборда. Бинобарин, мамлакатимиз фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

жойи бўйича рўйхатга туриш юзасидан ўзларига қўлай бўлган туман (шаҳар) ички ишлар органлари ёки Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиши мумкинлиги таъминланди.

Шу тариқа, мамлакатимиз фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш юзасидан айрим тартиблар амалда қуча кирди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан истикомат қилиш муддати 10 кундан 15 кунга узайтирилди. Доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни 1 кун ичида расмийлаштириш тартиби амалиётга татбиқ этилди. Шунингдек, ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда мудофаа ишлари бўлимларига ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориш тартиби бекор қилинди. Бу фуқароларни ортиқча қўғозбозликдан қутқарди, энг муҳими, вақт тежаладиган бўлди.

Олтинчидан, фуқаро миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига доимий рўйхатдан ўтиш истагида мурожаат қилса, эски тартибга кўра, доимий рўйхатдан ўтган жойига бориб, рўйхатдан чиқариб келишга ҳолат қолмади. Бу жараён фуқаро доимий рўйхатга ўтмоқчи бўлган ҳудудга хизмат кўрсатувчи миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимидада электрон тизим орқали автоматик тарзда бажарилади.

Еттинчидан, Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги нуфузини янада ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан эътиборан, мамлакатимиз фуқароларига

белгилаб берилди. Жумладан, Мурожаатномада фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадами қўйиш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани алоҳида таъкидланди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан



“Ўрганиш натижалари шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда ҳар йили тахминан 1500 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимизда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган муддати 15 йил тўлишини инобатга олсак, тарихий ислохотнинг нақадар ҳаётбахш аҳамиятга эга экани ойдинлашади.

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорликда бундан 28 йил муқаддам қабул қилинган ва бугунги замон талабларига жавоб бермайдиган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2020 йил 13 март куни эълон қилинди.



“ID-карта” расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилди.

Аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида фуқаро идентификация карта олиши ёки алмаштириши учун ўз ихтиёрига кўра, хоҳлаган ички ишлар

10 та боб, 58 та моддадан иборат янги таҳрирдаги мазкур қонун қабул қилиниши натижасида, аввало, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тартиб-таомиллари либераллаштирилди. Шу билан бирга мамлакатимиз ҳудудида истикомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олинди, ватандошларни Ўзбекистон фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш тартиби белгилаб берилди. Фарзандликка олинган ва ота-онанинг фуқаролиги ўзгаргани бўйича боланинг фуқаролиги ўзгариши нормаларига аниқ тушунчалар берилди. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид идораларро маълумотлар базаси яратилди.

Энг муҳими, янги таҳрирдаги қонунга 1995 йилнинг 1 январига қадар республикамиз ҳудудида доимий рўйхатдан ўтиб фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси билан истикомат қилиб келаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон фуқаролигини тан олиш тартиби киритилди.

Қонуннинг 6-моддасига кўра, 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириб келиб, доимий пропискидан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу қонун қуча киргунга қадар фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси асосида яшаб келаётган шахслар истақ билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олинishi белгиланди.

Бунинг учун ушбу тоифага тушувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тан олиш масаласида, ўзларининг доимий рўйхатда турган жойидаги ички ишлар органига мурожаат

этиб, ариза билан биргаликда сўровнома (анкета кўринишида), яшаш гувоҳномаси, никоҳ тузилгани ёки никоҳ бекор қилингани тўғрисидаги гувоҳнома, аризачининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгаргани ҳақидаги маълумотнома (мавжуд бўлса), давлат божи тўлангани тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этиши лозим. Давлат божининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробарига тенг.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1995 йил 1 январга қадар доимий рўйхатдан ўтганини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади. Масъул ходим томонидан ушбу ҳуж-

жатларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилиб, ҳужжатлардан нусха олиниб, асли эгасига қайтариб берилади.

Ушбу қонунга кўра, 1995 йил 1 январь кунига қадар республикамизга кўчиб келиб, доимий рўйхатдан ўтган 23 минг 969 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳужжати кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти (идентификация ID-карта) билан ҳужжатлаштириш чоралари кўрилди.

Жорий йил “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга асосан 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган (муқаддам чет давлат фуқаролигига бўлмаган) ҳамда ўн беш йил давомида юртимизда доимий яшаб келаётган (ушбу давр мобайнида чет давлат фуқаролигига бўлмаган) шахслар истақ билдирган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, деб тан олинади.

Авваллари фуқаролиги бўлмаган шахслар қўшни давлатларга, яъни чегаранинг у ёғида истикомат қилаётган қариндошларини кўриш, тўй ёки маракда қатнашиш учун кўп овера-сарсон бўлар эди. Фуқаролик олганлар учун эндиликда бу каби қийинчилик йўқ. Аслида улар ҳам, биз каби, ватанимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда, ҳалол ишлаб, рўзғор тебратмоқда. Бирок, фуқаролик олгунга қадар биз фойдаланган айрим ҳуқуқлар — имкониятлардан фойдалана олмаган. Уларда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи бўлмаган, меҳнат қилган руҳат топмаган, хорижга чиқиш оруз бўлиб келган. Қанча тадбиркорлар ўз ишини кенгайтириш ва салоҳиятини ошириш мақсадида давлат банкларидан кредит ололмичи бўлган-у, “фуқаролиги бўлмагани учун” важи билан бу имтиёздан фойдалана олмаган. Бу ва қатор бошқа чекловлар, тақиқлар баъзан уларни қисиний-қимтиний яшашга маҳкум қилган. Эндиликда амалга татбиқ этилган фуқаролик масалаларига оид қонунчиликнинг такомиллаштирилгани эса уларнинг ҳаётидаги ана шу тўсиқни бартараф этди.

Ўрганиш натижалари шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда ҳар йили тахминан 1500 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимизда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган муддати 15 йил тўлишини инобатга олсак, тарихий ислохотнинг нақадар ҳаётбахш аҳамиятга эга экани ойдинлашади.

Таъкидлаш жоизки, 2005 йил 1 январь кунига қадар республикамизга кўчиб келиб, доимий яшаб келаётган 20 минг 570 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мурожаатига асосан ҳужжатлари кўриб чиқилиб, уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Республикамизда яшаб келаётган фуқаролиги йўқ юртдошларимизни Ўзбекистон фуқароси, деб тан олиш борасидаги сиёсати, соҳада олиб борилаётган ислохотлар туфайли жамиятда фуқаросизликлар сони тобора қисқариб бормоқда. Бу эса халқаро ташкилот ва кенг жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилиб, Ўзбекистоннинг нуфузини янада оширмоқда.

БИЗ ВА ДУНЁ



Мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. Ривожланган давлатлар билан алоқалар мустақамланиб, ўзаро манфаатли, прогрессив ташки сиёсат олиб борилаётгани Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги имижига мустақамланишига хизмат қилляпти.

Ўзбекистон — Германия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги дўстона алоқалар янгича форматда ривожланаётгани ҳам фикримиз далилидир. Икки мамлакат ўртасидаги кенг

ларни илгари суришда фаол иштирок этиб, жаҳон мамлакатларига, жумладан, Ўзбекистонга катта амалий ёрдам кўрсатди. Хусусан, Германия кўмаги билан



қамровли ҳамкорлик истиқболларини янада кенгайтириш учун етарлича асослар, имкониятлар мавжуд.

Марказий Осиё халқаро институтиди Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигининг истиқболларига бағишланган давра суҳбатиди бу борада батафсил фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиди халқаро кузатувчи сифатида иштирок этаётган Хавфсизлик бўйича Мюнхен конференцияси раиси Вольфганг Ишингер, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фақуллода ва мухтор элчиси Тило Клинер, Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ташқи сиёсат маҳкамалари вакиллари, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Давра суҳбатиди таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлиги кейинги йилларда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ҳамда гуманитар соҳаларда, парламентлараро муносабатларда муваффақиятли ривожланмоқда. Бу каби муносабатлар Европа Иттифоқи доирасидаги конструктив мулоқотлар доирасида ҳам кўзга ташланади.

Меҳмонлар эътироф этишича, Ўзбекистон Марказий Осиёда минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми сифатида Германиянинг ишончли ҳамкори саналади. Ўз навбатида, Германия Евротиқфода Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, муҳим технологик ва инвестициявий шериги бўлиб келмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми қарийб 1,5 баробар, яъни 60 фоизга ўсди. Бу Германиянинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари ўртасидаги энг юқори кўрсаткичидир. Шунингдек, 50 га яқин қўшма корхона ташкил этилди.

2020 йилда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 830 миллион доллардан ошди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Германия инвесторлари иштирокида 200 га яқин корхона фаолият кўришмоқда. Улар орасида “MAN”, “Claus”, “Knauf”, “Parepburg”, “Volkswagen”, “Viessmann”, “Siemens”, “Bosch” каби дунёга машҳур немис компанияларини санаш мумкин. Бу каби компаниялар билан амалга оширилаётган сармоявий лойиҳалар ҳар икки мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун хизмат қилмоқда. Биргина 2020 йилда немис компаниялари мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармоя ҳажми 700 миллиондан доллардан зиёдни ташкил қилди.

Гуманитар алмашинувлар соҳасида ҳам қатор ютуқларни санаш мумкин. Жумладан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 1,6 мингдан зиёд мактабда 300 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар, олий ўқув юртларида эса қарийб 19 минг талаба немис тилини ўрганмоқда. 10 та мактабда немис тили чуқурлаштириб ўргатилади.

Германия пандемия оқибатларини енгиб ўтиш бўйича халқаро ташаббус-

COVAX ташаббуси доирасида мамлакатимизга коронавирусга қарши йирик партидаги вакцина етказиб берилди. Бундан ташқари, Европанинг юқумли касалликларни ўрганиш соҳасидаги нуфузли илмий-тадқиқот муассасаси — Роберт Кох институти билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган.

— Бугун Ўзбекистонда ўтадиган Президент сайловиди халқаро кузатувчи сифатида иштирок этилган. Миссиянинг доирасида ҳукумат вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари жамоаси билан қатор манфаатли учрашувлар ўтказдик. Ўйлашимча, бу учрашувларда билдирилган тақдирлар яқин истиқболда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янгича форматда ривожлантиришга катта ҳисса қўшади, — деди В.Ишингер.

Давра суҳбатиди Ўзбекистон — Германия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, дўстона, тенг манфаатли муносабатларни бундан кейин ҳам янги форматда давом эттириш юзасидан қилишиб олинди.

— Германия Ўзбекистоннинг етакчи стратегик ҳамкорларидан бири саналади. Бу кейинги йилларда барча соҳаларда намоян бўлмоқда. Хусусан, пандемия шароитига қарамадан, иқтисодий муносабатларда ўсишга эришилгани ҳам фикримиз далилидир, — деди Марказий Осиё халқаро институти директори уринбосари Бахтиёр Мустафоев. — Бугунги тадбирда нафақат Германия ва Ўзбекистон, балки Европа мамлакатлари билан Марказий Осиё давлатлари муносабатларини юзасидан ҳам атрофлича муҳокама юритилди. Шунингдек, минтақани ривожлантириш стратегияси доирасида белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Германия “Яшил Марказий Осиё” стратегиясини амалга оширишда ҳам фаол иштирокчи ҳисобланади.

Давра суҳбатиди Хавфсизлик бўйича Мюнхен конференцияси ва Марказий Осиё халқаро институти ўртасида меморандум имзоланишига қилишиб олинди. Бу ҳужжатда ҳамкорликда минтақавий ривожланиши кўзда тулган халқаро анжуманлар, семинарлар ташкил этиш, ахборот алмашинуви, энг асосийси, ташқи сиёсат борасидаги алоқаларни янада юксалтириш мақсадлари кўзда тутилди.

Вольфганг Ишингер Хавфсизлик бўйича Мюнхен конференциясини келгусида Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусини ҳам айтиб ўтди.

Хавфсизлик бўйича Мюнхен конференцияси 1962 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинади. Унинг асосчиси ва раҳбари немис матбаачиси Эвальд-Генрих фон Клейст-Шменцинг ҳисобланади. Вольфганг Ишингер эса 2009 йилдан буён конференцияга раислик қилиб келмоқда.

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

66

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯШАБ КЕЛАЁТГАН ФУҚАРОЛИГИ ЙЎҚ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ, ДЕБ ТАН ОЛИШ БОРАСИДАГИ СИЁСАТИ, СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ТУФАЙЛИ ЖАМИЯТДА ФУҚАРОСИЗЛИКЛАР СЕНИ ТОБОРА ҚИСҚАРИБ БОРМОҚДА. БУ ЭСА, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ЮКСАК ЭЪТИРОФ ЭТИЛИБ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДА.

хатта олишда аввалги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиш тартиби, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинишни расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон картчасига рўйхатга олиш штампини босиш амалиёти бекор қилинди.

Тўртинчидан, фуқароларимиз солиқ органларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этганда, уни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда уй-жой эгасининг розилигини талаб қилиш амалиётига чек қўйилди.

Пировардиди, ортиқча ташвиш ва оворабарқарорликларга барҳам берилди. Давлат идораларида пайдо бўладиган узундан-узун навбатлар туғди.

Бешинчидан, фуқаролар 2021 йил 1 январдан бошлаб, вақтинча турган

органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига мурожаат қилишига имконият яратилди.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мазкур масалада давлат хизматлари марказларига мурожаат қилиш имкониятини яратиш режалаштирилган.

Саккизинчидан, **инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги тарихий ислохот**, бу — Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тартибига киритилган ўзгартиришлар.

Президентнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизнинг яқин йиллардаги тараққиёт йўлида амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб долзарб ва муҳим вазифалар

ОНА ЮРТДА АЛЛА АЙТМОҚ ОРЗУСИ

ЁХУД СИЭТЛАДА ШУНДАЙ МАҲАЛЛА БОР



Айни пайтда турли сабаблар туфайли Америкага бориб яшаётган юрдошларимиз сони анчагина. Уларнинг аксарияти хориж тили, урф-одатлари ва ҳаёт тарзига кўникиб кетган. Лекин шундай ватандошларимиз ҳам борки, улар ўзлари истикомат қилаётган шаҳарда ўзбек маҳалласи муҳитини яратишга муваффақ бўлган. Сиэтлдаги ўзбек маҳалласи раиси, Сиэтл-Тошкент биродарлашган шаҳарлар уюшмаси президенти, “Дўстлик” ордени соҳиби Фазлиддин ШАМСИЕВ билан ватандошларимизни бугунги кунда қийнаётган муаммолар, ўзбек тилини тарғиб ва ташвиқ этиш борасидаги ютуқлар борасида суҳбатлашдик.

— Қарийб 50 йилдан буён фаолият юритаётган Сиэтл-Тошкент биродарлашган шаҳарлар уюшмаси не-не фидойи инсонлар изланишлари ва меҳнати эвазига пайдо бўлган. У собиқ иттифоқ даврида ташкил топди ва ўз муносабатларида ўзбек тилини, миллий қадриятларимизни эркин равишда тарғиб ҳамда ташвиқ қилди. Шундай эмасми?

— Тўғри. Ўша даврдаги муҳитнинг ноziкилиги, миллатимизга ва тилимизга паст назар билан қараш авжга чиққанига қарамай, Сиэтл шаҳрида ўзбек тили ва қадриятлари, санъати, маданиятини қадрлайдиган бир уюшманинг борлиги жуда катта воқеа эди. Яъни мазкур уюшма 1973 йилда миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган. Қолаверса, Сиэтлдаги Вашингтон университетида дунёга танилган бир кафедра Россия, Шарқий Европа, Марказий Осиё тадқиқотлар маркази деб номланади. Ушбу кафедра тадқиқотчилари ва талабаларининг уюшманинг фаолиятидаги ўрни жуда катта бўлган. Айниқса, кафедра ўқитувчиси Илья хонимнинг Ўзбекистонга меҳри тилларда дoston бўлган. Узи Германияда тутилган бўлса-да, бу аёл турк тилларини жуда яхши кўрган. Марказий Осиёга қилган сафарларининг бирида Ўзбекистонга ҳам таширф буюрган. Бу юртинг табияти, одамлари ва миллий қадриятларини кўриб, дунёда шундай бебаҳо маданий меросга эга заминдан ниҳоятда хайратланган. Талабаларини ҳам бу афсонавий мамлакатга олиб боришдан, унинг қадриятлари ва анъаналарини тарғиб

қилишдан қарчамаган. Биз айни пайтда ушбу кафедра билан ҳамкорлиқни йўлга қўйганмиз. Америкада туғилиб, она тилини яхши билмай ўлғаяётган фарзандларимизга ўзбек тилини, миллий қадрият ва анъаналаримизни ўргатишда ҳамкорлиқдаги ўқув курсларини ташкил қилганмиз.

2003-2008 йилларда Вашингтонда йўл қурилиши бўйича ишлайдиган илмий марказда ишлаганман. Ушанда Американинг барча штатлариغا боришга тўғри келар эди. “Қаердансан?” деб сўрашса, “Ўзбекистонликман” деб жавоб берганимда деярли ҳеч ким мени танимас эди. Шукри, ҳозир уюшмамизга атрофимиздаги кўплаб жамиятлар ҳавас билан қарайди. Мана, яқинда дунёга машҳур “Агапсoworld” журналининг танили журналистлари бизнинг уюшмамиз ишларини ўрганди. Ҳатто Тошкентга ҳам бориб, олти ой давомида ҳамкорлигимиз бўйича лойиҳалар асосида 16 саҳифали мақола тайёрлади.

— Сиз Сиэтлда ташкил этилган ўзбек маҳалласи раиси сифатида унинг ўзига хос муҳитини тиклашда нималарга эътибор қаратдингиз?

— Биз Сиэтлга кўчиб келган пайтда 250 оилалири санокли эди. Ҳозир эса 250 та оила бор. Ҳаммамиз ўзбек маҳалласида катта бўлганмиз. Бу ерга келганимизда ўзи билан ўзи овера ишбилармон инсонларнинг меҳр-оқибатсиз ҳаёти бизга жуда эриш туюлди. Шу боис, дастлаб бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, тез-тез дейдорлашиб туриш мақсадида туплана бошладик. Биргаликда палов пишириш ва ўзбек тилида маза

қилиб гурунглашиш жараёнида давраларимиз ўз-ўзидан кенгай бошлади. 2015 йилда ўзбек маҳалласини ташкил этишга қарор қилдик. Миллий байрамларимизда авваллари 70-80 киши иштирок этган бўлса, ҳозир 300-400 тагача одам тўпланиб, атрофга сигмай кетади. Ҳатто миллати бошқа америкаликлар ҳам миллий таомларимизни, кийимларимизни ва рақсларимизни жуда яхши кўради. Ҳашарларимизда бизга қўшилиб завқланишади. Шуниси эътиборлики, маҳалламиз аъзолари бир кўчадагина яшайдиган ўзбеклардангина иборат эмас, Сиэтл шаҳрининг турли кўчаларида яшайдиган барча ўзбекларни қамраб олишга ҳаракат қилганмиз.

— Мутахассисларнинг кузатишича, Америкага келганларнинг аксарияти 5-6 йилдан кейин ўз тилини унута бошлайди. Шу ернинг ўзиде туғилиб, бошқа тилда тили чиққан болалар орасида “Ўзбек тили ота-бобонинг тили, бу ерда менга кўпроқ хориж тилини ўрганишим муҳимроқ”, деган фикрда яшайдиганлари ҳам бор экан...

— Бу каби мулоҳазаларни эшитганимда юрагим оғрийди. Чиндан ҳам тилимизга бўлган муносабат қувонарли даражада эмас эди. Лекин кейинги 3-4 йилда Ўзбекистонда бўлаётган улкан ўзгаришлар маҳалламиздаги ўзбеклар руҳиятига ҳам ўзгача таъсир қила бошлади. Ўзбек тилини, миллий қадриятларимизни ҳавас қилиб ўрганадиган ёшлар анча кўпайиб қолди. Қолаверса, Вашингтон университетидаги Россия, Шарқий Европа, Марказий Осиё тадқиқотлар маркази тадқиқотчилари, ўқитувчилари ва талабалари билан шартнома тузганмиз. Улар ҳафтининг белгиланган кунларида маҳалламиз ёшлари учун ўзбек тили ва миллий қадриятларимизга асосланган дарсларни мунтазам олиб боради.

Шунингдек, Ўзбекистондаги тилшунослар ва таниқли шоир ва ёзувчилар билан ҳам алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилганмиз.



Яқинда ана шу жараён ҳақида суҳбатлашиб ўтирган эдик, маҳалламизда истикомат қилувчи Жавоҳир ота бир воқеани гапириб берди. Набираси Саидбек бобосининг саъй-ҳаракатларига қарамай, оилада ҳамиша инглиз тилида гапиришга ҳаракат қилар, унга ўзбек тилида мурожаат қилганларга эса умуман жавоб қайтармас экан. Унинг бу қайсарлигини ҳазилга йўйиб, “Бизнинг набираларимиздан фарқимиз шуки, биз сомсани яхши кўраемиз, улар эса пиццани”, дея қулгига олиб гапириб юрибди. Кейинчалик эса тарбия масаласи жиддий эътибор ва вақт талаб қилишини тушуниб, таътил пайтида Жавоҳир ота шу набирасини Ўзбекистонга олиб борибди. Хива, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон каби шаҳарларни кўрсатиб, тарихимиз ҳақида ҳам қўллаб ҳикоялар сўзлаб берибди. Ана шу саёхатдан сўнг набираси ўзбек тилида гапира бошлабди. Ҳатто гап орасида: “Бобожон, бизнинг шундай ажойиб гўзал юртимиз, буюк ота-боболаримиз, тарихимиз бор, биз, албатта, Ўзбекистонга қайтишимиз, ўз Ватанимизда яшашимиз керак”, дебди. Бу гапларни

эшитган Жавоҳир ота йўғлаб юборибди. Ҳа, биз янги авлод билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишимиз, уларга ўз тарихимиз, она тилимиз ҳақида кўпроқ айтиб беришимиз керак.

— Жорий йилда Ўзбекистонда Алишер Навоийнинг 580 йиллиги кенг нишонланди. АҚШда бу борада қандай тадбирлар ва адабий ўрашувлар ташкил этилди? Умуман, америкаликларнинг Навоий ижодига бўлган муносабати қандай?

— Алишер Навоий бобомиз туғилган кунини ҳар йили ўзгача тайёргарлик билан қарши оламиз. Уюшмамизнинг маънавият хонсига “Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш...”, деб бошланувчи рубоини катта-катта ҳарфлар билан ҳам ўзбекча, ҳам инглизчада ёзиб қўйганмиз. Мушоираларда ҳам Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ғурақат, Машраб каби шоирларимиз ижодига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Мутафаккир бобомиз таваллудининг 580 йиллигини ҳам ўзига хос тарзда нишонлашга ҳаракат қилдик. Биз ташкил этган адабиёт байрамида ҳатто бошқа миллат вакиллари ҳам астойдил иштирок этди. Айниқса, “Қаро кўзим” янграй бошлаганида кўларимизда ёш қалқиди. Мақомларимиз бизнинг ноёб меросимиздир. Ҳозир ушбу меросимизга жиддий эътибор қаратилиб, халқроқ маком фестиваллари ўтказилаётгани, Юнус Ражабий номидига Ўзбек Миллий мусиқа санъати институти ташкил этилгани ҳам бизни жуда хурсанд қилди.

— Ўзбекистон Президентининг “Ватандошлар” жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги қарори сиз каби кўплаб ватандошларимизга кўтаринки қайфият бағишлаганига гувоҳ бўлдик. Қарорда белгиланган вазифалар шу кунгача мавжуд кўплаб муаммоларга барҳам берадими?



компаниялар Ўзбекистон бозорига киришни, туризмга алоқаси бор компаниялар билан ҳамкорлик қилишни истайдилар. Ушбу қарорда кўп жабҳалар қамраб олингани қувонарлидир. Айниқса, хорижда истикомат қилаётган ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни белгиланган тартибда моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги бандлар мавжудлиги кўнглимизга равшанлик ва хотиржамлик бағишлади.

— Ўтган йиллар давомида жонажон юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини тарғиб қилиш ва оммалаштириш борасида қандай лойиҳалар амалга оширилди?

— Суҳбатимиз аввалида таъкидлаганимдек, мен иш юзасидан Американинг 50 та штатига борганман. Шундай катта давлатда рақс санъати деярли ривожланмаган. Шунинг учун бўлса керак, америкаликлар ўзбек рақс санъатига жуда катта қизиқиш билан қарайди. Қўшимча Жозеф ҳар сафар тадбирларимизда иштирок этиб, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Хоразм рақс санъати мактабига оид рақсларни томоша қилганда: “Санъати, маданияти қанчалар юксак давлатининг бор-а! Ҳар бир шаҳар, вилоятларининг ўзига хос кийими, санъати мавжуд!” дея ҳайратланади. Байрам тадбирларимизга япониялик раққоса Эмика Накамура хоним бошчилик қилади. Ўзбек халқининг маданиятини рақсларимиз орқали кўрсатиб беришга интиламиз. Эмика хонимни устози Вашингтон университети профессори Ильяхоним Сиртаутас бундан бир неча йил олдин Ўзбекистонга рақс ўрганиб келиши учун жўнатди ва “Сен шарқ қизсан, ўзбекларга ўшаб кетсан. Улар санъатини жуда севадиган маданияти бой халқ. Бетақор рақсларни астойдил ўрган”, деб тайинлайди. Эмика хоним Ўзбекистонга бориб, миллий рақсларимизни жуда катта муҳаббат билан ўрганган.

Яқинда маҳалламизда “Алла — сеҳрли қўшиқ” танловини ўтказдик. Маҳалламиздаги Ҳалимаҳон ая ўзи бош бўлиб 16-17 ёшли иштироки қизларимизга алла айтишни ўргатди. Ғолиблар эълон қилинганида ая кўз ёшларини тийиб туролмади, “Ягона орзум она юртимда айтишдир”, деганида томоғимга нимадир текилгандек бўлди. Ҳа, вақт ўтгани сайин киндик қонинг тўкилган тупроқни янада кўпроқ кўйсар экансан...

Айни фурсатдан фойдаланиб, маданий-маърифий тадбирларимизни ўтказишда ўз ердами ва маслаҳатини бериб келаётган ўзбекистонлик санъатшунос Нурхон Зулпиновага чўқур миннатдорчилигимни билдираман.

Сиэтлдаги туризм компанияларининг барчаси концертларимиз ва тадбирларимизда катта қизиқиш билан иштирок этади. Улар ҳар йили Ўзбекистонга 3 мингдан зиёд сайёҳни жалб қилаётгани бизни ҳам қувонтиради.

— Чиндан ҳам аллани тинглаган чоғимизда ўзлигимиз билан боғлиқ энг ичкин туйғуларимиз жунбушга келади. Сиз қайси қўшиқларни тинглаганингизда Ўзбекистонни соғинасиз?

— Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий, Таваккал Қодировнинг қўшиқларини тинглаганимда Ўзбекистонни қанчалар қаттиқ соғинганимни, ич-ичимдан бир нола бостириб келаётганини ҳис қилман. Чунки бу қўшиқларни ота-онам жуда яхши кўриб тинглар эди. Бу қўшиқлар

оҳангиде инсон таърифлай олмайдиган жуда катта сеҳрли куч бор. Санъатимиз аста-секин яна ўша сеҳрли уммонга қайтаётгани бизнинг бахтимиздир. Биз катта авлод сифатида ана шу ўлмас санъатимизнинг, маданиятимизнинг, она тилимизнинг қадрини бугунги авлодга еткази олишимиз, англата билишимиз керак. Акс ҳолда, Американи ҳам, Ўзбекистонни ҳам севайдиган манкурт авлод этишиб чиқиси мумкин. Аллоҳ бундай фалокатдан ҳамиша бизни асрасин!

— Ҳозир ёш авлод билан кекса авлод ўртасида кўринмас девор пайдо бўлгандек гўё. Глобаллашув муҳити ёшларимизнинг сўзлашув услубига, кийимини маданиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўзгариш, айниқса, хорижда тез намоён бўлса керак...

— Афсуски, ўша девор бор. Бизнинг энг асосий мақсадимиз авлодлар ўртасидаги муносабатларда олтин ўрталикни топа билишдир. Чойхонамизда, клубларимизда ва тўғаракларимизда авлодлар ўрашувларини кўпроқ ташкил этишга ҳаракат қилганмиз. Фаол ёшлар иштирокида илмий ва ижодий семинарлар уюштирдик. Масалан, Чикаго университети талабаси Азизжон Ғозиев билан маҳалламиз ёшларининг ўрашувини ташкил қилдик. Бу ўрашув иштирокчиларда жуда катта таассурот қолдирди. Азизжоннинг келажақдаги режалари, миллий қадриятларимизга эътибори ва она тилимизда ўқиган ғазалларини бир эшитсангиз эди...

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтсам. Биз, катталар ҳамиша ёшлар бизга сўзсиз қулоқ солишини истаимиз. Бироқ бугунги ёшлар анчагина мустақил ва ўз фикрида собит турадиган йигит-қизлар эканини унутмайлик. Ахир ўзимиз ҳам эшанигимизда ўз мақсадимизга эришиш учун курашганмиз. Қайсар ва инхиқ бўлганмиз-ку... Демак, уларни ҳам ўз вақтида тинглай олишимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак.

Қолаверса, Америкада болаларни боқчадан бошлаб миллий қадриятлар асосида эмас, демократия руҳида тарбиялашади. Таълим-тарбия ишлари Ўзбекистоникидан кескин фарқ қилади. Бу тарбиянинг эса ҳам яхши, ҳам ёмон жиҳати бор. Қўшниларим ва ўзимнинг фарзандларимни кузатиб ота-онага ҳурмат туйғуси сусайиб бораётганига амин бўлдим. Шу боис, болаларни таътилда Ўзбекистонга — бобоси ва бувисининг ёнига жўнатинглар, дея кўп тайинлайман.

Фарзанд ва набираларимиз миллий урф-одатларимизни, тўйларимизни кўриб ўлғайса, дейман. Ўз она тилимизда маза қилиб сўзлашларини, мумтоз қўшиқларимизни ҳам роҳатланиб тингашларини истаيمان.

Глобаллашув шароитида ҳар икки ҳафтада битта тил йўқолиб бораётган экан. Шу боис, тилимиз абадий сақланиб қолиши учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак. Хавотирларимиз, ташвишларимиз жуда ўринли. Ҳар бир оила бошлиғи ўзбекона руҳиятини сақлаб қолишга астойдил интилиши зарур. Агар ота-онанинг ўзида миллий руҳият, она тилига муҳаббат кучли бўлмаса, маҳалладаги ва мактабдаги жонқуярлик самарасиз бўлиб қолаверади. Мен барча ватандошларимга “Бугунги авлоднинг бой бермайлик, тилимизни, динимизни, қадриятларимизни сақлаб қолайлик!”, деб тақор-тақор айтган бўлар эдим.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 3443.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусаххих: Асолат Аҳмадқуллова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўза яқини — 00:50 Топширилди — 01:00